

№7 (3) 2023

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL**

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 7 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойкулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Үрманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент аҳборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шохида Зайниневна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насридин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон журнали
1368-сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-үй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Usmonov Axrorjon Rustamjon o'g'li</i>	
AMALIY SAN'AT BILAN BOG'LIQ NOMODDIY MADANIY MEROSLAR	9-15
<i>Zoqidov Қобилжон Тоиржонович</i>	
ИЛК АРАБ-МУСУЛМОН ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА МАДИНА ШАҲРИНИНГ ЎРНИ	16-20
<i>Siddiqov Mirshod Baxtiyorovich</i>	
SOVET HOKIMIYATINING QORAQALPOG'ISTON ASSRDA IJTIMOIY TA'MINOT SIYOSATI	21-26
<i>Хайназаров Баҳромжон Баҳтиёрович</i>	
КАСПИЙОРТИ ВИЛОЯТИДА ТУБ БЎЛМАГАН АҲОЛИ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ЖОРӢЙ ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ)	27-32
<i>Мансуров Музаффаржон Шарифжон ўғли</i>	
СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДА МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ТУРИЗМ ТАРФИБОТИДА ТУТГАН ЎРНИ	33-41
<i>Bobodustov Bobur Mirzaboyevich</i>	
ZARAFSHON DARYOSIDAGI SUV AYIRG'ICH TIZIMLARINI TA'MIRLASHGA ROSSIYA IMPERIYASI MA'MURIYATINING MUNOSABATI	42-47
<i>Саидбобоева Гулзора Нематжоновна</i>	
XX АСРНИНГ 30-50-ЙИЛЛАР ДАВРИЙ МАТБУОТ МАТЕРИАЛЛАРИ – РЕСПУБЛИКАНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШГА ОИД МАНБА	48-55

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Казаков Олим Сабирович</i>	
ЕТАКЧИЛИК ТАЪСИРИДА БОШҚАРУВНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИ	56-60
<i>Utkirov Abbos Meyliyevich</i>	
CHALLENGES IN IMPLEMENTING TQM IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS	61-67
<i>Umronov Eldorbek Sodirovich</i>	
TURISTIK KORXONALAR DOIRASIDA TADBIRKORLIK FAOLIYATINI TASHKIL ETISH VA RIVOJLANTIRISHNING IQTISODIY ASOSLARI	68-76
<i>Норбоев Аллаёр Исмоилович, Тулкинов Гайрат Кадирович</i>	
ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ И НАПРАВЛЕНИЯ МЕНЕДЖМЕНТА В РАЗВИТИИ МОЛОДЁЖНОГО ТУРИЗМА	77-82
<i>Xolmurotov Fozil Saribayevich</i>	
MINTAQADA AHOLI TURMUSH FARAVONLIGINI OSHIRISHDA QISHLOQ XO'JALIK MAHSULOTLARINI YETISHTIRUVCHI SUBYEKTLAR RO'LINI BAHOLASH	83-91
<i>Худайназарова Диляром Хайруллаевна</i>	
ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ДОИРАСИДАГИ РИСКЛАРИНИ СТРАТЕГИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	92-100

Ғойипназаров Санжар Баходирович
СУНЬЙИ ИНТЕЛЛЕКТНИ ЖОРӢӢ ЭТИШ НАТИЖАСИДА МЕҲНАТ БОЗОРИДАГИ
ЎЗГАРИШЛАР 101-110

Baxtiyorov Asrorbek Azizjon o'g'li
BANK MENEJMENTI ASOSLARI, UNING IQTISODIY MOHIYATI 111-119

09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Юлдашев Фарруҳ Абдураҳманович
АҲБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ЭҲТИЁЖ ВА МАНФААТЛАРНИНГ ЎЗАРО УЙГУНЛИК
ХУСУСИЯТЛАРИ 120-126

Tojiboev Sarvar Pўлатжон ўғли
ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ 127-132

Ismatov Shohruhbek Murod o'g'li
YANGI O'ZBEKISTONDA IJTIMOIY DAVLAT BARPO ETISH VA UNING G'OYAVIY MAFKURAGA
ASOSLARI 133-137

Abdullayev Temur Bobir o'g'li
TIL VA TAFAKKUR DIALEKTIKASINING BILISH JARAYONIDAGI ROLI 138-143

Islamov Kamol Tashkulovich
UYG'ONISH DAVRI DUNYOQARASHIDA DINIY VA DUNYOVİY YONDASHUVLAR
NISBATI 144-150

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Isanova Feruza Tulqinovna
O'ZBEK TILI XALQARO HUQUQ SOHASIGA OID LEKSIK BIRLIKALARINING FUNKSIONAL
XUSUSIYATLARI 151-160

Ro'ziyev Elbek O'rol o'g'li
AMIR TEMUR VA TEMURIY HUKMDORLAR YORLIQLARIDA SIYOSIY NUTQ SHAKLLARINING
QO'LLANILISHI 161-167

Мухамедова Феруза Баҳодир кизи
ФОРМИРОВАНИЕ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ СИСТЕМЫ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ
А. КИМА 168-174

Abdullayev Ikramjon Xashimjanovich
TILSHUNOSLIKDA SO'Z VA SO'Z TURKUMLARI: TADQIQI VA TAVSIFI 175-180

Tagayeva Sayyora Ulashovna, Inoyatillo Ozoda
FIZIKA FAKULTETI TALABALARIGA NEMIS TILINI O'QITISHDA INNOVATSION
METODLARNING QO'LLANILISHI 181-185

Egamberdiyeva Mohidil Gulomjon qizi
MADANIYATLARARO MULOQOTDA NUTQIY ETIKETNING ANTROPOSENTRIK
TADQIQI 186-190

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Жавлиев Нурали Баходирович</i> МАЪМУРИЙ-ХУҚУҚИЙ НИЗОЛАР ТУШУНЧАСИ ВА МАЗМУН-МОҲИЯТИ	191-195
<i>Узакова Гўзал Шариповна</i> БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҶСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ (ХУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ)	196-204
<i>Usmanov Alisher Tolmasovich</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA MA'MURIY HUQUQBUZARLIK TO'G'RISIDAGI ISHLARNI YURITISHNING SODDALASHTIRILGAN TARTIBI: MUAMMOLAR VA TAKLIFLAR	205-213
<i>Авезова Элеонора Паракатовна</i> РАВНОЕ ПРАВО ГРАЖДАН НА ПОСТУПЛЕНИЕ В ГОСУДАРСТВЕННУЮ ГРАЖДАНСКУЮ СЛУЖБУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН	214-218
<i>Муқумов Бобур Мелибод угли</i> ОЦЕНКА РЕГУЛИРУЮЩЕГО ВОЗДЕЙСТВИЯ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ ПО ИСПОЛЬЗОВАНИЮ ТЕХНОЛОГИЙ БЛОКЧЕЙН. СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ	219-224
<i>Туракулова Назира Абдишукуровна</i> СТАРТАП ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТУЗИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ: ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ НУҚТАИ НАЗАРИДАН	225-232

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Хўжамкелдиев Faфур Султон ўғли</i> СПОРТ МАШФУЛОТЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИДА ТИКЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ	233-237
<i>Aziz Xasanovich Rajabiy</i> BO'LAJAK VOKAL O'QITUVCHILARINING INTELLEKTUAL-IJODIY FIKRLASH QOBILIYATINI RIVOJLANTIRISH	238-242
<i>Malikova Sevar Samatovna</i> BO'LAJAK XOR RAHBARLARINING IJODIY QOBILIYATLARINI RIVOJLANTIRISH	243-246
<i>Васильченко Ольга Анатольевна</i> ТЕХНОЛОГИИ РАЗВИТИЯ ВОКАЛЬНО-ХОРОВЫХ НАВЫКОВ	247-251
<i>Xojimurodova Mahliyoxon Kenjavoy qizi, Inomov Faxriddin O'rmonjonovich</i> AN INNOVATIVE APPROACH TO THE DEVELOPMENT OF STUDENTS' MOVEMENT SKILLS AND COMPETENCIES IN PHYSICAL EDUCATION CLASSES	252-257
<i>Асадуллаева Наргиза</i> БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁННИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ	258-265
<i>Mamadova Feruzaxon Mirzaaxmad qizi</i> BO'LAJAK JISMONIY MADANIYAT MUTAXASSISLARINING PEDAGOGIK MADANIYATI VA КОМПЕТЕНСИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРISHNING PEDAGOGIK MODELI	266-272

<i>O'ktamova Navruza Botir qizi</i> BO'LAJAK JURNALISTLARGA INGLIZ TILINI O'QITISHDA SOTSIOLINGVISTIK KOMPETENSIYANI TAKOMILLASHTIRISH (SIYOSIY-IJTIMOIY MATNLAR MISOLIDA)	273-277
<i>Numonjonov Shohzodbek Dilshodjon uғli</i> OLIY TEHNIKA TA'LLIMIDA MEХNAT MUХOFAZASI VA TEHNIKA XAVFSIZLIGI KOИDALARINI ЎҚITISHDA ЭLEKTRON METODIK ASOSLARNING ILMIIY AҲAMIAHYI	278-287
<i>Xuramov Ilxom Panjiyevich</i> PROFESSIONAL TA'LIM TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH YUZASIDAN ISLOHOTLARNI JADALLASHTIRISH VA KASBIY KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISH	288-292
<i>Azizbek Umarov</i> MEDIATA'LIM – TALABALARNING MEDIA MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHGA YO'NALTIRILGAN FAN TARMOG'I SIFATIDA	293-299
<i>Saidova Zilola Gadoymurodovna</i> TA'LIM INTEGRATSIYASINING AYRIM MASALALARI	300-307
<i>Raxmonova Gulrux Ulashevna</i> O'ZBEK XALQINING MILLIY HARAKATLI O'YINLARIDAN JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA SAMARALI FOYDALANISH YO'LLARI	308-312
<i>Boynazarova Sayyora Ruzikulovna</i> BIOLOGIYA O'QITUVCHISI KASBIY KOMPETENSIYALARI VA KOMPETENTLIGINI MONITORING QILISHNING MAVJUD METODIKASI VA UNI TAKOMILLASHTIRISHNING NAZARIY ASOSLARI	313-317
<i>Shermuhammadov Bahodirjon, Xasanova Ozodaxon Qurvonali qizi</i> MDH OLIMLARI TOMONIDAN CHET TILLARNI O'RGANISHDA UCHRAYDIGAN XATOLAR MAVZUSIDA OLIB BORGAN TADQIQOTLAR TAHLILI	318-323
<i>Abdusalimova Nargizaxon Olimjon qizi</i> MAKTAB TA'LIM TIZIMIDA STEAM TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANIB FIZIKA DARSLARINI TASHKIL ETISHNING AFZALLIKLARI	324-329
<i>Shafiyeva Elnara, Murotmusaev Komiljon Buribaevich</i> THE CHARACTERISTICS OF MENTAL HEALTH IN ELDERLY PEOPLE	330-349

09.00.00 – Фаласафа фанлари

Юлдашев Фаррух Абдурахманович
ф.ф.б. фалсафа доктори, (PhD)
Фарғона давлат университети

АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ЭҲТИЁЖ ВА МАНФААТЛАРНИНГ ЎЗАРО УЙҒУНЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада ахборотлашган жамиятда ижтимоий ҳаёт ва ёшлар фаолияти, инсон эҳтиёж ва манфаатларининг юзага келиши, унинг муҳим жиҳатлари, омиллари, мақсади ва моҳияти ёритилган, қолаверса ахборот маконида ёшлар эҳтиёж ва манфаатларининг ўзаро уйғунлиги таҳлил этилган.

Калит сўзлар: ахборот, жамият, шахс, эҳтиёж, манфаат, мақсад, илм-фан, тараққиёт, глобаллашув, қадрият, тафаккур, зарурят.

Юлдашев Фаррух Абдурахманович,
преподаватель, доктор философии по наукам философии, (PhD)
Ферганский государственный университет

ОСОБЕННОСТИ ПОТРЕБНОСТЕЙ И ИНТЕРЕСОВ В ИНФОРМАЦИОННОМ ОБЩЕСТВЕ

Аннотация. В данной статье информация о возникновении социальной жизни и молодежных мероприятий, человеческих потребностей и интересов анализируется в информационном пространстве, обеспечивая конфликты в информационном пространстве.

Ключевые слова: информация, общество, личность, необходимость, цель, наука, прогресс, глобализация, ценность, мышление.

Yuldashev Farrukh Abdurakhmanovich,
Teacher, Doctor of Philosophy, (PhD)
Fergana State University

FEATURES OF HUMAN NEEDS AND INTERESTS IN INFORMATION SOCIETY

Abstract: In this article, information on the emergence of social life and youth events, human needs and interests is analyzed in the information space, providing conflicts in the information space.

Key words: information, society, personality, necessity, purpose, science, progress, globalization, value, thinking.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I7Y2023N15>

Кириш. Жаҳонда глобаллашув ва ахборотлашув асири билим ва ахборотнинг бош манбаи бўлган ахборотлашган жамиятнинг шаклланиши билан тавсифланмоқда. Ахборотлашган жамият меҳнат тежамкорлигини ошириш билан бирга, фақат моддий манфаат ва эҳтиёжларини қондиришга интиладиган, миллий қиёфасини йўқотган, ўз мақсади йўлида ҳар қандай ғояни қўллашга тайёр авлодни пайдо бўлишига асос бўлмоқда. Ижтимоий фаолиятда эҳтиёж ва манфаатлар уйғунлигини тўғри англамайдиган, шахсий ва ижтимоий манфаатларини муштарак қўрмайдиган ёшларни бирдамлик ва ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялаш масалалари заруратга айланмоқда. Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичи «миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган эзгу ғоя асосида олиб борилаётганлиги жамиятда ўзгаришлар, ислоҳотлар жараёни бошланганлигини кўрсатиб беради. Жамиятнинг янги тараққиёт босқичи демократия ва ижтимоий адолатга асосланган инсонпарвар етук жамият қуришга қаратилган. Мазкур жараёнда юксак мақсадларга эришиш асосида ёшлар меҳнат фаолиятини тўғри ва самарали ташкил қилиш долзарб вазифалардан биридир. Зоро, «Ёшлар тарбиясини тўғри ва илмий асосда йўлга қўймасдан туриб, хотиржам бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки, бу масала биз учун ҳаёт-мамот масаласидир. Буни чуқур англаған ҳолда янги ўқув йилидан бошлаб, барча мактабларда алоҳида тарбия дарслари киритилмоқда»[1]. Мамлакатимизда давом этаётган демократик ислоҳотлар ва модернизациялашув жараёнлари инсон манфаатларига қаратилган бўлиб, ислоҳотларнинг асосий мақсади ёшлар сиёсати уларнинг эҳтиёж ва манфаатларининг таъминланиши билан бевосита боғлиқ.

Бугунга кунда жамият ҳаёти тубдан ўзгарди. Инсон ҳаётида давлат ва жамият бир бутун жисм сифатида тараққий этиб боради. Ушбу жараёнда инсоннинг ўзига хос роли мавжуддир. Инсон ҳаётда комилликка интилиб, билим ва маърифатли, маънавияти юксак, ахлоқий жиҳатдан шаклланган, ўз онги ва дунёқарашига эга бўлса, жамият барқарорлиги юзага келиб, ижтимоий-маънавий жиҳатдан тараққий этиб боради. Мамлакатимизда ислоҳотлар, муносабатлар янгича қарашлар орқали замонавий ёндашувлар, дунёқараш ва фикрларни ўзgartирмоқда. Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташабbusлари ушбу жараёнларга ижобий таъсир этиб, Ўзбекистон тараққиётнинг миллий юксалиш босқичига олиб чиқди. Инсон ҳаётда баҳтли яшаши учун унга ҳар томонлама эътибор зарур бўлиб, бунда биринчи навбатда инсоннинг муаммолари, эҳтиёж ва манфаатлари, турмуш шароитини яхшилаш, фаровон ҳаёт учун имкониятларни яратиш муҳим аҳамиятга эга. Айнан ушбу масалаларга бугунги кунда давлат томонидан катта эътибор берилмоқда. Хусусан президентимизнинг юртимизда баҳтли хонадонлар сафини қўпайтиришга қаратилган “Темир дафтари”, Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” – бу “менинг халқим орасида бирорта камбағал бўлмаслиги керак”[2] деган шиор билан инсон қалбига кириб боришга эътибор қаратмоқда.

Тадқиқотни ўрганилиши. Жамиятимизнинг барча соҳаларида ижодий фикрлайдиган, юқори техника ва технологияларни ўзлаштирган ёшларга эҳтиёж юқори эканлигини кузатиш мумкин. Замонавий билим ва қўнікмага эга, креатив фикрлайдиган, янгиликка интилувчан ёш авлодни малакали мутахассис эътиб тайёрлаш учун таълим, илм-фан соҳасида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Ёшларга моддий ва маънавий қўмак бериш мақсадида таълим ислоҳотлари амалга ошириб келинмоқда. Инсон эҳтиёжларини умумназарий таҳлил этиш уларнинг табиий ва ижтимоий

кўринишлари, шу билан бирга, яна табиий-ижтимоий турларга бўлинишидан қатъий назар, дихотомик чегараланишга асосланади. Бундай таҳлилда турлича моддий ва маънавий эҳтиёжлар ижтимоий эҳтиёжлар бўлиб кўзга ташланиши, буларга иқтисодий, ахлоқий, интеллектуал, эстетик, сиёсий ва бошқа эҳтиёжлар киритилиши мумкин. Эҳтиёж қандай шаклда ривожланмасин, муайян бир халқ ёки миллат менталитетининг туб илдизларини, уларнинг умуммиллий манфаатларини ўзида ифода этади. Эҳтиёжларни тасниф этиш муаммоси уларнинг табиати, мазмундорлигини тавсифлаш тўғрисидаги масаланинг мантиқий давоми ҳисобланади. Фалсафий тадқиқотларда ижтимоий эҳтиёжларни алоҳида гурӯҳга ажратиш фақат терминологик ноаниқликларни эмас, шу билан бирга, уларнинг асосий хусусиятларини аниқлаб олишни ҳам тақозо этади. Бироқ бу икки масала адабиётларда ўзининг тўла ечимини топган эмас. Эҳтиёжлар: тушунча ёки воқеликнинг маълум бир томони (нафақат одамга, балки жамиятга ҳам хосдир). Эҳтиёжлар туфайли инсон ва жамият объектив ўзаро бирбирига боғлиқдир. «эҳтиёж инсоннинг табиий, жисмоний, руҳий, моддий-иқтисодий, ҳуқуқий-мағкуравий ҳамда маънавий талаблари мажмуудир»[3]. Агар эътибор берилса, бу икки таъриф мазмунан бир-биридан унчалик фарқ қилмайди. Файласуф олим Ў.Абилов фикрича, эҳтиёжни шакллантиришда энг муҳим омил меҳнат фаолияти маҳсулотлари[4]. Шу сабабли ҳам эҳтиёжлар унинг ижтимоий фаоллиги манбаи ҳисобланади. Фалсафий жиҳатдан эҳтиёжнинг қондирилиш зарурияти асосида субъектни ҳаётий фаолиятга даъват этувчи ботиний сабаб, жамики тирик жонзотнинг муҳим ташқи шарт-шароитларга танлаб, фаол муносабатда бўлишининг бирламчи шаклидир. Эҳтиёжлар соҳиби, ифодачиси сифатида унинг субъектини ҳар қандай биологик жонзот, инсон индивиди, кишилар бирлигининг тарихий уюшмалари (оила, уруғ, қабила, халқ), ижтимоий бирликлар (синф, табақа, миллат, халқ), ижтимоий тизим ва муассасалар (таълим тизими, давлат ва унинг ташкилотлари) кабилар ташкил этиши мумкин. Бу ёндашувларнинг барчаси кўриб чиқишдан тубдан фарқ қилади. Муаммо ҳақидаги ғояларни умумлаштириш сифатида эҳтиёж ва қобилият, ўз ғояларини амалиёт билан доимий равищда боғлаб туради.

Эҳтиёжларни фалсафий таҳлил қилишнинг натижаси шуни кўрсатадики фалсафа, асосан, мулоҳаза юритиш билан чегараланиб қолмайди, балки мавжуд, тайёр эҳтиёжлар механизми, зарур эҳтиёжларнинг турли томонларини, уларнинг моҳиятини тушунишга қаратилади. Манфаатлар ҳақида сўз борганда ҳар бир киши ўз шахсий манфаатига, оила аъзоси сифатида оиласидан, меҳнат қилаётган жамоаси миқёсида манфаатга, яшаётган юртида шу юртнинг фуқароси, жамият аъзоси сифатида манфаатга эга деб айтиш мумкин. Ўзбекистон ҳам ўз халқининг манфаатларини таъминлаш йўлида жадаллик билан бормоқда. Зоро, «биз тараққиётимизнинг янги даври, янги босқичига қадам қўйдик. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари жараёнида белгиланган вазифаларни бажаришга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этдик»[5]. Манфаат тушунчаси серқирра категория бўлиб, шахсий, уруғчилик, маҳаллийчилик, минтақавий, этник, миллий ҳамда умуминсоний манфаат шаклларида намоён бўлади. Манфаатларнинг турли-туманлиги сабабидан келиб чиқиб, бу тушунчани моҳиятини аниқлаш лозимдир.

Ҳар бир ёшнинг инсон сифатидаги эҳтиёжлари ҳам мавжуд. Унинг эҳтиёжи жамиятда тутган ўрни, унинг шахсий манфаатини юзага келтиради. Бунинг учун шахс

ўз оиласида яшайди, жамоада меҳнат қилади. Ҳар бир фирма, жамоа, корхона бошқаларидан алоҳидалашган ҳолда хўжалик юритар экан, шу жамоанинг умумий ишловчиларини бирлаштиради. Ҳар бир инсон ўз юртининг фуқароси сифатида умумдавлат манфаатини ифодалайди. Умумдавлат манфаати бутун халқ мақсадининг умумийлигидан далолат беради. Инсонлар учун шундай умумбашарий қадриятлар мавжудки, улар умумий манфаат тарзида намоён бўлади. Масалан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, тарихий ёдгорликларни асраш ва бошқалар умумий манфаатлар сирасига киради. Манфаатларнинг хусусийлиги ҳар бир субъектнинг ўз манфаати мавжудлигидан келиб чиқади. Бу манфаат айнан унинг мақсадини ифодалайди, бошқаларнинг манфаатидан ажralиб туради ҳамда бошқаларнинг манфаатларига мос тушавермайди. Шахс манфаатлари кенг маънода намоён бўлиб, оила, жамоа, маҳалла ва бошқа шахслар умуман жамият, давлат манфаатлари билан боғланиб бир тизимни ташкил этади»[6]. Манфаатлар типологиясида шахсий ва ижтимоий манфаатлар таҳлили алоҳида аҳамиятга эга. Индивид манфаатлари маълум ижтимоий муҳитда вужудга келади, шахс ички дунёсига тааллуқли бўлади. Эҳтиёжларга монанд келган ҳолда шахс хатти-ҳаракатини, фаолиятини йўналтирувчи омил тарзида намоён бўлади. Айни пайтда шахс ўз манфаатини рӯёбга чиқариш мақсадида қилган хатти-ҳаракати оқибати ўлароқ ижтимоий муҳит мазмунига фаол таъсир кўрсатади.

Шахс манфаатининг шаклланиши, намоён бўлиши ҳамда жамият жараёнларида жорий қилиниб, рӯёбга чиқиши кўп жиҳатдан шахснинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ. Бироқ шуни таъкидлаш керакки, ҳозирда шахснинг ижтимоийлашуви кенг амалга ошаётган бир даврда шахс эрки категорияси тадқиқи манфаатлилик қонуниятлари ва тамойилларига асосланишини талаб қилмоқда. Ижтимоий ҳаётда манфаатлар муштараклигига айнан шу йўналиш орқали эришиш мумкин. Ахборотлашган жамиятда интеллект, билимлар ишлаб чиқлади ва истеъмол этилади, бу ҳол ақлий меҳнат улушкининг ошишига олиб келади. Шу ўринда айтиш мумкинки, “ахборотлашган жамият – кўпчилик ишловчиларнинг ахборот, айниқса унинг олий шакли бўлмиш билимларни ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишни амалга ошириш билан банд бўлган жамиятдир”[7]. М.Ёқубованинг фикрича, ахборотлашган жамият техноген цивилизация ривожланишининг муайян босқичидир, ахборотлашган жамиятда билим, ахборот ва ахборот техникаси асосий роль ўйнайди. Яъни, ахборотлашган жамият шундай жамиятки, унда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, энг аввало, ахборот ишлаб чиқиш, унга ишлов бериш, уни сақлаш ва жамият аъзолари орасида тарқатишга боғлиқ бўлади[8]. Академик С.Ғуломов фикрича, “ахборотлашган жамият – кўпчилик ишловчиларнинг ахборот, айниқса унинг олий шакли бўлмиш билимларни ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишни амалга ошириш билан банд бўлган жамиятидир”[9]. Дарҳақиқат ахборотлашган жамиятда нафақат ишлаб чиқариш, балки бутун турмуш тарзи, қадриятлар тизими ўзгаради, моддий бойликларга нисбатан маданий дам олиш сифатида қарашнинг аҳамияти ортади.

Мавзунинг долзарблиги. Маънавият билан боғлиқ масалаларнинг эҳтиёжга айланиси мураккаб жараён ҳисобланади, яъни инсон манфаатларининг кенгайиб боришида фақат хоҳишгина етарли эмас, ўзининг фаолиятини жамиятнинг долзарб муаммоларига қаратиши, уларни мунтазам равишида кузатиши, ўрганиши ва тегишли хулоса чиқариши учун етарли билим ва ҳаётий тажрибага эришган бўлиши лозим. Шу

нуқтаи назардан маънавий эҳтиёжлар инсоннинг физиологик, моддий, сиёсий ва ижтимоий эҳтиёжларини тарбиялайди, тартибга солади ва уларнинг юксалишига замин яратади. Инсоннинг туб моҳияти эса шундаки, у хар қандай шароитда маънавий-маърифий масалалар билан шуғулланишга ҳаракат қиласиди, яъни билими, маданияти, одоб-ахлоқи, эстетик қарашларини юксалтиришга интилади, ва уни маънавий ҳаёти янги ғоялар билан бойиб боради. Мазкур фаолият маънавий, ижтимоий эҳтиёжларни намоён бўлишида кўринади.

Инсондаги эҳтиёжларни ўрганишда маънавий эҳтиёж таъсирини қучайтириш зарур. Бунда биринчи навбатда маънавий камолот натижасига эътибор қаратиш муҳим. Маълумки маънавият иймон-эътиқоддан бошланади, сўнгра илм-маърифат билан мукаммаллашади. Шахснинг маънавий камолот даражаси унинг ахлоқида намоён бўлади. Шунинг учун бугунги кунда ёшларни хулқи, ахлоқи, маънавий ҳаётига эътиборни қучайтириш талаб этилади. Инсон ва шахснинг жамиятдаги ўрни уларни муштарак ҳолда ахлоқ қоидалари ҳақида билим беришнинг ўзи, унинг маънавий-ахлоқий тарбияси учун етарли бўлмайди. Унда ирода қудрати, масъулият ва мажбурият туйғусини шакллантириш, инсон қалбида борлиқ ва табиатга, меҳнатга, касбга, илмга, ўзга инсонларга меҳр уйғотиш, орзулари соф, беғубор, мақсадлари улуғ бўлишига эришиш лозим. Ҳар бир инсонда ватан, миллат, адолат туйғулари маънавий қадриятга айлансангина тараққиёт ва барқарорликка эришиш мумкин. Албатта бундай натижага ёш авлод тарбиясида тинимсиз изланишлар, ҳаракатлар билан эришилади. Мазкур масалалар ҳозирги ҳаёт билан боғланган ҳолда мунтазам равишда ўз ифодасини топиши лозим. Маънавий-маърифий жараёнларда ёшларни манфаатларини инобатга олиш ва уларни иштирок этиш даражасига қараб моддий ҳолда маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, уларнинг фаоллигини ўсиб боришига кенг йўл очиб беради. Маънавият ҳар қандай жамиятни ойнаси ва даражаси сифатида шаклланади, инсон фаолиятига эса кўмаклашади. Маълум бир масалага ёндашиш, уни очиб бериш ва хусусиятларини ўрганишда бошқа инсонларга нисбатан қиёсланади, энг муҳими унинг ўзгариб бориши кўрсатилади.

Инсоният ҳаётида маънавиятни бекиёс имкониятларини, инсон томонидан уни ўзлаштиришда ўзини ички дунёси билан боғлаши, фаолиятини таркибий қисмiga айланишини тақозо этади. Албатта, ушбу масъулиятли вазифа осонликча бажарилмайди. Чунки шахслар бир-биридан билим, дунёқарashi каби фазилатлари билан фарқ қиласиди. Ҳар қандай тадқиқот мазмуни, мақсад вазифалари асосида ташкил этилади, яъни республикада содир бўлаётган иқтисодий сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар билан уйғун ҳолда ўрганилади. Инсон руҳий ва ақлий оламини ифодалайдиган, шахснинг идеал билимга интилиш ва ижтимоийлик йўлида фаолият кўрсатишида асосий омил ҳисобланган маънавиятни юксалтириш ҳам долзарб вазифалар қаторида ўрин эгаллайди. «Маънавият инсонийликка олиб борадиган йўл бўлиб, у кишиларнинг фалсафий, хуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурларини ўз ичига оладиган тушунчадир»[10]. Таъкидлаш жоизки ахборотлашган жамиятида билим ва ахборот жамият ривожланишининг асосий манбаи ҳисобланади. Дарҳақиқат, бугунги кунда билим ва ахборотга асосланган глобал ахборотлашган жамият шаклланмоқда. Ахборотлашган жамиятда интеллект, билимлар

ишлиб чиқилади ва истеъмол этиладики, бу ҳол ақлий меҳнат улушкининг ошишига олиб келади.

Демак, ахборотлашув жараёнлари инсоният тараққиётида муҳим ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Табиат билан инсоният жамияти ўртасида, шунингдек инсоният жамиятининг ўзида ўзаро ахборот алмашуви мавжуд бўлмаганди, у тараққий қилмаган ва ҳозирги мавжуд камолотига эришмаган бўларди. Ҳаёт мавжуд бўлиши ва ривожланиши учун моддий воситалар каби ахборот ҳам зарур. Инсониятнинг тараққиёт даражаси қанча юқори бўлса, унинг ҳаётидаги ахборот шунча катта ўрин эгаллади. Жамиятнинг ривожланиши ҳамда ҳаётнинг моддий шароитларини таъминлаш, шунингдек, атроф муҳитини ва ўзини кўпроқ ўрганиш бу фаолиятнинг йўналтирувчи асоси бўлиб хизмат қилади[11]. Кишиларнинг жамиятдаги ахлоқий хатти-ҳаркатлари, юриш туришлари, яшаш қоидалари, ғоялар ва ҳиссиётлари, ва уларни инсон онгидаги акс этиши бевосита ахлоқий онг, ахлоқий маданиятга боғлиқ. Ахлоқий онг инсон характеристига, табиатига сингиб, амалий фаолиятда одоб, билим, эътиқод, ихлос, виждан ва иймон каби хислатлар асосида шаклланади. Интернет ва рақамли телевидения ёрдамида ёшлар ўзларига хоҳлаган мавзуда ахборотларни олишмоқда. Интернетга ортиқча даражада берилиб кетиш интернетоманияга олиб келмоқда. Албатта, интернетга нисбатан бир томонлама ёндашмаслик зарур, чунки бу жараён давр талаби ва фан-техника тараққиётини маҳсулни сифатида фаолият кўрсатади[12]. Умуман олганда, бундай ҳолатни инкор етиб бўлмайди.

Хулоса. Илмий тадқиқот натижаларидан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш жараёнида интернет хизматидан ижобий фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун ахборотларни ёзишда, атрофлича таҳлил қилинади, уларни ғоя ва мақсадлари бўйича сараланади, таълим-тарбия, илм-фан, маданият, тадбиркорлик каби масалаларга доир мавзулар асос қилиб олинади, ўзлаштирилади ва тарғиб қилинади. Лекин, ахборотларни акси бўлса яъни улар юқорида кўрсатилган масалаларга зид бўлса, ёшлар онгини чалғитиши ва ҳаттоқи заҳарлашга қаратилган маълумотларга танқидий муносабат шаклланади. Салбий ахборотларга нисбатан ёшларга биринчи навбатда ғоявий ва мафкуравий иммунитетни шакллантирилади. Ушбу масъулиятли вазифани бажаришда миллий ғояни аҳамияти бекиёсdir, чунки, ҳар бир инсон фаолиятини авваламбор ўзлигини англашдан, халқимизни бой маънавий меросини ўзлаштиришимиз буюк алломаларни ғояларини чуқур маъносини англашлари, уларни ҳозирги давр талаблари билан боғлаш ва амалий ҳаракатларида қўллаш зарур. Шунинг учун ҳар қандай шароитда миллий ғояни мақсад ва мазмуни ёшларни фаолиятига қаратилади, чунки уларнинг дунёқарashi, маданияти, хулқ-атвори ва бошқа фаолиятлари аввало миллий ғоя асосида шаклланади. Ўз навбатида мустаҳкам билим ва ахборот маданиятига эга бўлган ёшлар келажак авлодни ўзагини ташкил этиш, жойларда уларнинг манфаатлари биринчи галда билимларини ҳаётга татбиқ этиш, ёшларга фан ютуқларини етказиб бориш, шахсий намуна ва бошқаларга ибрат бўлиш каби вазифаларга эътибор қаратиш зарур. Кенг қамровли манфаатлар илмий асосланган мақсад ва режаларга аҳолини ижтимоий – сиёсий ва меҳнат фаоллигини олиб келади. Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш мунтазам равишда ва тизимли шаклда ташкил этилса, унинг фаолиятида ижобий ўзгаришлар содир бўлади. Инсоннинг

манфаатлари билан биргаликда эса қарашлари, муносабатларини ҳис этиш масъулияти ва умуман ижтимоий ҳаракатлари ўзгариб боради. Шу нуқтаи назардан халқ билан мулоқот олиб бориш, ҳар бир фуқарони ҳаёти, меҳнати, турмушини яқиндан ўрганиб бориш, фаолиятини самарали бўлиши учун яхши шароитлар натижасида инсон фаолияти юксалиб боради, энг муҳими - жамиятда белгиланган вазифаларни амалга оширишга эришилади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Мирзиёев Ш.М Янги Ўзбекистон стратегияси Тошкент. “Ўзбекистон” 2021 йил. Б. 69.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. –Тошкент.: Ўзбекистон, 2020. –Б 48.
3. “Янги Ўзбекистон” Ижтимоий-сиёсий газета. 2021 йил 30 октябрь 217- сон.
4. Мухторов А. Шахс тарбиясида миллий ғоя, эҳтиёж ва манфаатларнинг уйғунлиги. – Тошкент.: Янги аср авлоди, 2003. –Б.20.
5. Абилов Ў. Ўзбекистон тараққиётининг оптимистик руҳи.-Тошкент.: Истиқлол, 2003. –Б.30-31.
6. А.В.Олянич Презентационная теория дискурса. Монография. Волгоград “Парадигма” 2004. Стр. 23-24
7. Фаффарова Г.Ф. Мураккаб тизимларда ахборот генерациясининг фалсафий-методологик асослари: Дисс.я фалс.ф.д. – Тошкент, 2019. –Б.185
8. Ғуломов С., Шермуҳамедов А., Бегалов Б. Ахборотлашган жамиятнинг мужассамланиши // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 1999. Январ - февраль - 7 б.
9. Ёқубова М.И. Жамият тараққиётида ахборотлашув ва ахборот технологияларининг аҳамияти. Дисс. Автореф. Фалс.фан.номз. – Т., 2006. –Б.10 б.
10. Отамуратов С. Глобаллашув: миллатни асрараш масъулияти. – Тошкент.: Ўзбекистон. 2018. –Б. 265.
11. Yuldashev F A. Жамият Хаётида Инсон Эҳтиёжларини Тадқиқ Этишнинг Фалсафий Жиҳатлари. SCIENTIFIC PROGRESS SCIENTIFIC JO URNAL VOLUME #2, ISSUE #8, DECEMBER 2021. –Б 51-56.
12. Ф.Юлдашев Жамият тараққиёти ва ёшлар эҳтиёж - манфаатларининг ўзаро уйғунлиги масаласига доир. Современные научные решения актуальных проблем Москва. 2020 сентябрь –Б 75-77.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Nº 7 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**" электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:
100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).